

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 30 январ, сешанба №17 (1031)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

29 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятининг жорий йилга мўлжалланган режаси лойиҳасини муҳокама этдилар. Лойиҳада Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг иккинчи чакриқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган, 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари ўз ифодасини топган.

Режа лойиҳасини муҳокама этиш асносида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қонунчилик асоси билан вақтида таъмин этишининг, илгари қабул қилинган ҳуқуқий нормалар ижро этилиши устидан мунтазам назорат олиб боришнинг муҳим эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Янги аср бошларида Олий Мажлис олдида турган маъсулиятли вазифалар барча депутатлардан қонун лойиҳалари яратиш ва назорат-таҳлил ишлари билан боғлиқ фаолиятни кучайтиришни, парламент ишининг янги шакллари ва усуллари устида тинмай изланишни тақозо этади.

Шу муносабат билан қонун яратиш иши унинг барча босқичларида янада пухтароқ ташкил этилиши, амалдаги қонун ҳужжатларида Олий Мажлисга берилган ваколатлар доирасида парламент назорати механизмининг такомиллаштириш ва бундай назоратни кучайтириш зарур эканлиги ўқитиб ўтилди. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишига теран назарий билимларга ва катта амалий тажрибага эга бўлган йирик олимларни, экспертларни янада кенг-роқ жалб этиш мақсада мувофиқ деб топилди.

Парламент раиси кўмиталар ва комиссиялар раҳбарларига қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг режасининг муҳокама учун тақдим этилган лойиҳасини бу йили Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган йил муносабати билан мамлакатда амалга оширилаётган ишларни, шунингдек, Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида ҳамда ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда мамлакатимиз Президентини томонидан илгари сурилган вазифаларни инобатга олган ҳолда қайта ишлаб, маромига етказиш вазифасини топширди. Гарчи мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, улар бугунги давр талаблари даражасида кенг қамровли эмас. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб воғта етишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларига иш режаларида ёшлар муаммолари, Оналар ва болалар йили билан боғлиқ Давлат дастурини амалга ошириш бўйича мунтазам равишда конференция ва йиғилишлар, бошқа тадбирлар ўтказиб боришни назарда тутиш тақлиф этилди. Бундай ишларга Олий Мажлис депутатлари қатори халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатларини ҳам жалб этиш муҳим эканлигига алоҳида урғу берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон парламентининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш режалаштирилаётган қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича кўмиталар ва комиссиялар қандай иш олиб бораётгани ҳам муҳокама қилинди.

Кенгаш Ўзбекистондан четга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузуридаги махсус комиссия тўғрисидаги низоми тасдиқлади. Кенгаш унинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

(ЎЗА).

Андижон вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси «Давлат мадҳиясини энг яхши ижро этувчи жамоа» кўрик-танлови ўтказилди. Унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда ўрта ва олий билим масканлари талабаларидан иборат бадий жамоалар уч босқичда куч синадилар.

МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАГАНДА

Танлов барчада катта қизиқиш уйғотди. Зеро у қалбада ва танпарварлик, она юртва садақат, қадриятларга ҳурмат, келажакка ишонч туйғуларини мустақамлашга хизмат қилади. Сўнги ҳал қилувчи босқичда умумтаълим мактаблари бўйича Қўргонтепа туманидаги 3-ўрта мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари бўйича Андижон педагогика билим юрти жамоалари голибликка эришдилар.

Танлов ёшларимизнинг Давлат мадҳиясини яхши билиши ва уни маҳорат билан ижро эта олишларида ўзига хос кўрик вазифасини ўтади.


Чуст тумани деҳқонлари яқинда яна бир қулайликка эга бўлдилар. Чунки бу ерда насос станцияси қурилиши ниҳоясига етай деб турибди. У 180 метр баландликка сув чиқариб бериш қувватига эга. Янги станциянинг ишга тушиши билан тумандаги Навоий номили, «Машъал», «Сабзозор», «Варзик» хўжалиқларининг сувга бўлган талаби қондирилади.

Қурилишда жами бўлиб 20 тага яқин

ташкilotлардан 400 дан ортиқ бунёдкорлар жонбозлик кўрсатмоқда.

Суратларда: «Чуст» механизациялашган қўшма колонна ишчиси Турғунбой Халилов; «Қизилтепа» қишлоғида қурилиши якунланаётган насос станциясида.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони бажарилишини таъминлаш борасида Вобкент туманида ҳам хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Туман бўйича рўйхатда турган 2201 нафар икки ёшга тўлмаган болалари бор оналарга тайинланган нафақалар ўз муддатида тўлиқ етказиб берилди. Ўзгалар ёрдамига муҳтож 102 нафар яқка-ёлғиз нафақахўрларнинг 69 нафари имтиёзли кўмак олдилар. Яъни, ўтган йилга мўлжалланган 1 миллион 845 минг сўм ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисоб рақамига ўтказилди ва бу маблағ асосан фуқаролар ижтимоий муҳофазаси мақсадларида сарфланди. Молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан ўзгалар ёрдамига муҳтож яқка-ёлғиз нафақахўрлар туман «Матлубот-савдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконлардан тўққиз турдаги жами 1 миллион 800 минг сўмлик озиқ-овқатларни мунтазам олиб турдилар.

Юқоридаги Фармонда фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари зиммасига коммунал хизмат корхоналари билан биргаликда меҳнаткашларнинг халқ банки муассасалари орқали тўлов ҳисоб-китобларини амалга ошириш ва уни ўз вақтида ташкил этиш ва-

ётир. Бу йўналишда айниқса, «Харғўш», «Чаримгарон» каби ўз-ўзини бошқариш органлари яхши кўрсаткичга эришаётганликларини таъкидлаш ўринлидир. Республикаимиз Президенти

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА ДАВЛАТ СОЯБОН

зи фиси юклатилган. Белги-ланган тўловлар тўланишига қараб, тушумлардан маълум фоизи улар ҳисоб рақамига ўтказилади. Демак, тушум қанчалик кўп бўлса, ажратиладиган фоиз миқдори ҳам ортиб боради. Бу — яхши кўрсаткичга эга бўлган фуқаролар йиғини ўз худудида яшовчи кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси билан яхшироқ шугулланади, деган гапдир. — Қатор фуқаролар йиғинларида ибратли бир тажрибага амал қилинмоқда, — дейди туман ҳокимлиги молия бўлими мудири Шабон Турсунов. — Бюджетдан ташқари тушган маблағлар газ, электр энергияси, оқова сув хизматида қарздор бўлган кишиларга моддий кўмак сифатида берилмоқда. Бундай иш услуби коммунал хизмат тўловларини беками-кўст тўланиши ва айна пайтда тушум физи-нинг кўпайишини таъминла-

дентининг яна бир — «Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари» имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Фармони бажариш юзасидан ҳам муайян ишлар қилинди. Чунки, 1427 нафар мураббий ва ўқитувчи салкам 13 миллион, соғлиқни сақлаш ходимларидан 320 нафарига 4,2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Газ, электр энергияси тўловлари бўйича ҳар икки тармоқ ходимлари 10,8 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бошқача айтганда имтиёздан фойдаланувчи ҳар бир ходимга 10 минг 200 сўмдан ортиқроқ қўшимча тўлов тўланиши таъминланди. Буларнинг ҳаммасига тушган маблағларнинг тўғри ва мақсадли ишлатилиши юзасидан доимий назорат ўрнатилгани ҳамда жойларда бу борада тегишли тушунтириш ишлари олиб борилгани тўғрисида эришилди, деб ўйлайман.

Вазирлар Маҳкамасининг

Islohot - inson uchun


1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари

сидан келиб чиқадиган вазифалар бўйича ҳам кенг қамровли тадбирлар амалга оширилади ва бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 сентябрдаги қарорига асосан озодликдан маҳрум этилган жойлардан бўшатишга шахсларга яқиндан кўмаклашиш мақсадида ижтимоий кўникма маркази ташкил этилди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобат муҳити вужудга келиши муносабати билан ишсизликнинг пайдо бўлиши табиий, — сўзини давом эттиради Ш.Турсунов. — Бундай вазиятда айниқса, меҳнат қонунчилигининг жазо муддатини ўтаб қайтган шахсларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш учун фақат ўтган йилнинг ўзида 730 минг сўмлик маблағ ажратилгани ва амалдаги йилда 642 минг сўмлик моддий ёрдам берилиши кўзда тутилгани марказнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Абдунаби МАННОПОВ, Усмон НАВРУЗ, «Ишонч» мухбирлари.

МАҲАЛЛА ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИДА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

«Маҳалла» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими ташаббуси билан бултур айрим шаҳар ва туман марказларида намуна учун маҳалла халқ университетлари ташкил этилган эди. Университетлар оммавий тадбирлар ўтказиш, ҳукумат қарорлари ва энг муҳим воқеаларни аҳолига етказишда жуда қўл келаётгани билан барчага маъқул ва манзур бўлди.

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармоийи моҳиятини оммага тушунтириш ва Асосий Қонунимизни модда-модда ўқитишда университетлар жуда муҳим рол ўйнамоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Аминжон Солиев, — шунга қўра биз ҳар бир маҳаллада ана шундай тарғибот масканларини вужудга келтириш устида иш олиб бораёмиз.

Университетларга тингловчи сифатида маҳалла фаоллари, нуруний отахон-онахонлар, уй бекалари, тадбиркорлар ҳамда ёшлар ихтиёрий жалб этилмоқда. Уларда ўтказилган машғулотларнинг мазмун-моҳияти ҳар бир хонадонга кириб бораётди. Машғулотларни шаҳар ва туманларнинг эътиборли зиёилари, раҳбарлар ҳамда мутахассислар олиб боришмоқда. Университетлар ташкил этилган жойларда Конституцияни ўрганиш машғулотлари бошлаб юборилди.

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

«БИЗГА ИШОНСА БЎЛАДИ»

Ёшлик инсон умрининг гултожи бўлиб, мўъжизалар яратади. Шунинг учун ҳам эртасини ўйлаган миллат аввало ёшлар қалбига маърифат, маънавият нуруни солади, уларни нурафшон манзил сари бошлайди. Президентимизнинг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида мамлакатимиз буюк келажакга,

хатто XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимиз қандай бўлишига оло-вақал ёшларимизга кўп жиҳатдан боғлиқлиги аниқ-равшан кўрсатиб берилди. «Қамолот» ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш ҳақидаги ажойиб тақлиф йиғити қизларга қанот бағишлади. Мухбиримиз А.Қодирова ёшлар даврасида бўлиб, уларнинг дил сўзларини қаламга олди.

ЁШЛАР БИЛАН ДАВЛАТ ўртасидаги маънавий кўприк

Шу кунни орашқиб кутгандим. Ниҳоят, йиғит ва қизлар манфаатини ҳимоя қиладиган, ёшлар билан давлат ўртасида маънавий кўприк бўладиган ташкилот ўзига келадиган бўлди. Бунга шахсан ўзим анчадан бери эҳтиёж сезаётгандим.

Сабабини қуйидагича изоҳлайман. Мен ўтган йили Тошкентдаги Охунбобоев номили тиббиёт билим юртини тугатдим. Оппоқ орзулар билан она қишлоғимга қайтдим. Билимдон устозларим, амалий машғулотлардан ўрганганларимни ишда қўллаб, беморлар дардиغا маълум бўлсам, дея энтикардим.

Бирок, ишга жойлашиш осон бўлмади. Шундай бўлса-да, елиб-югуриб ниятимга эришдим. Оқ халатни кийиб, беморларга меҳр

да сўянч изладим. Қани энди, биз — ёш мутахассисларни қўллайдиган, амалий ёрдам кўрсатадиган бирон ташкилот бўлса-ю, мурожаат қилсам. Ана шундай хаёллар билан юрганымда, ёшларнинг «Қамолот» ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш ҳақидаги гапларни эшитиб, бошим осмонга етди. Ниҳоят, ишончли, мустақкам таянчга эга бўлаётганимиз барча-барчани бағоят қувонтирди.

ДИЛРАБО ШАРИПОВА, Шофиркон тумани марказий шифохонаси собиқ ҳамшираси.

ҚАҲРАМОНЛАР — ОРАМИЗДА

Адабиёт ҳақиқат ва адолатнинг олий нуқтасига кўтарилгандагина инсон юрагига, онгига қучли таъсир кўрсатади. Хўш, биз нечун ҳали-ҳамон Қумушбиби, Отабек, Раъно-ю Анварни ўқиб таъсирланамиз, улар-

дан илҳом оламиз. Бойси, севимли ёзувчимиз уларнинг ажойиб фазилатларини, инсонлар ўртасидаги самимий муносабатни ва бошқа жиҳатларни қойилмақом қилиб ифода этган. Ҳаётга синчков назар ташларканман, элим деб, юртим деб, ёниб-жушиб яшаётган, ишлаётган, мўъжизалар яратаётган замондошларимиз нақадар кўпчилиги амин бўламан. Уларнинг саъй-ҳаракати, қаҳрамонона меҳнати китобларда, кино тасмаларида муносиб равишда ўз ифодасини топиши керак. Давлатимиз раҳбари айтганларидек, биз ёшларга йўлчи юлдуз бўладиган қаҳрамонлар керак. Токи, уларнинг йўли нури манзилимизга тугаш бўлсин, биз ундан рўйи қўч-қувват олайлик, миллий гуруҳимиз, миллий қаҳрамонимиз бўлиб қалбларимизда яшасин.

Иқбол ҚУШШАЕВА, Миллий университет талабаси.

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ОРЗУЛАРИ УШАЛДИ

Учкўприк туманидаги А.Отажонов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Мошад қишлоғига газ келди. Бундан қўшни қишлоқлар аҳлига ҳавас қилиб юрган мошадлик хотин-қизлар, айниқса мамнун бўлишмоқда. Улар

қиш-қировли кунларда тезак тутмайдиغان бўлишди. Тумanning чекка ҳудудлари сирасига кирувчи ушбу қишлоқдаги 350 дан ортиқ хонадонда мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Қишлоқ ҳудудини газлаштириш учун 10 километрдан ортиқ газ қувурлари тортилди.



Бугунги кунда Бухоро вилояти бўйича пенсия олувчилар 141.874 нафар, ижтимоий нафақа олувчилар 13.368 нафар кишини ташкил этади. Ижтимоий таъминот бошқармаси ходимлари одамлар орасида кенг тушунтириш ишларини аниқ дастур асосида олиб бормоқдалар.

сан, 40 та киши ҳаракат воситалари, 40 нафар фахрий эшитиш мосламалари, 460 нафар табаррук инсонлар эса протезлар билан бепул таъминландилар. Эътиборлиси шуки, ёлғиз кишилар учун ижти-

Ўтган йили Фарғона шаҳар «Соғлом авлод учун» таянч пунктнинг амалга оширилган ишлари кўпчилиги томонидан эътироф этилгани бежиз эмас. Унда ташкилий, тиббиёт масалалари шунингдек, ижтимоий ва маданий-маърифий тадбирлар қўлами кенг.



Саховатпешалик — фаолият асоси

ЭЗГУ ИШНИ ҲАР КУНИ ҚИЛИШ КЕРАК



Жумладан, сўнгги ўн ой ичида жойларда 41 семинар, 304 та савол-жавоблар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилди. Айни пайтда қўйи бўғинлардаги ижтимоий таъминот бўлимларида амалий ёрдам кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи, пенсиялар, стипен-

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР ҲИМОЯДА

диялар ва ижтимоий нафақа миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармонига асосан пенсия ва нафақалар миқдори қисқа муддатда қайта ҳисоблаб чиқилиб, 1 августдан бошлаб янги тартибда берилиши таъминланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ўзгалар эътиборига муҳтож яққа-ёлғизлар алоҳида меҳр билан қўриб олинган. Уларга сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланиш берилмоқда. Хусусан, 40 та киши ҳаракат воситалари, 40 нафар фахрий эшитиш мосламалари, 460 нафар табаррук инсонлар эса протезлар билан бепул таъминландилар. Эътиборлиси шуки, ёлғиз кишилар учун ижтимоий таъминот бўлимларида хомийлар маблағини жалб этган ҳолда 152 нафар ёлғиз кексаларга қўшимча равишда ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатилди. Табаррук инсонларнинг боши осмонда. Улар ўзларига кўрсатилган эътибор ва меҳрибонликларини ҳаққон ҳис қилишга интилади.

С.ВАХОБОВ,
Бухоро вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи.

Жумладан, болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланишига алоҳида аҳамият берилди. Мактаблар моддий техника базасини мустаҳкамлашга, иқтидорли болаларни аниқлаш ва улар салоҳиятини ривожлантириш каби масалалар диққат марказига олинди. Айниқса, оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга оид, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари шунингдек, «Экосан» халқаро жамғармаси бўлими билан ҳамкорликда талай ишлар амалга оширилди. Мактабларда белгиланган дастурларнинг бажарилиши назорат остига олинди.



Ўз даврида корхона ва ташкилотларга қарашли ҳамда касаба уюшмаларининг дам олиш оромгоҳларида болалар ва ўсмирларнинг сиҳат-саломатликларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Давлат аҳамиятига молик бўлган бундай катта ишларни бажариш учун маблағ асосан давлат бюджетидан ажратилди. Бунга қўшимча равишда йирик корхона ва ташкилотлар, халқаро жамғармалар, саҳо-

ватли тадбиркорлар муносиб ҳисса қўшдилар. Ўтган йили фақат хайрия ишлари учун 6 миллион сўмдан кўпроқ маблағ, кам таъминланган оилалар ва турли хасталикларга чалинган болалар учун 413 миң сўм сарфланди. Муҳтож оилаларга шунингдек, «Умид» марказига юборилган ногирон болаларни даволаш ва бошқа тадбирлар учун салкам 3 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш, «Мурувват» уйларига ёрдам кўрсатиш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига кийим-кечак ҳамда ўқув қуроллари сотиб олиш учун ҳам катта маблағ ишлатилди. 6 нафар ногиронга аравача тортиқ қилинди. Булардан ташқари шаҳардаги «Мурувват» уйига, «Парвоз», «Шодлик» гимназияларига, «Зумрад» боғчасига, ногиронлар хунара-техника билим юртига турли асбоб-ускуналар сотиб олиш учун моддий ёрдам кўрсатилди. Таянч пункти кам таъминланган оилаларнинг оғирини енгил қилаяпти. Уларнинг турли дардга чалинган фарзандлари

КИНО ИККИ ОЙЛИГИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш ва фуқароларнинг мазмунли хордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида Андижон вилояти ҳокимининг қарорига мувофиқ вилоятда кино икки ойлиги ўтказилмоқда. «Андиджонкино видео» вилоят бирашмасига кинотеатрларда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китоби асосида суратга олинган фильмларни, шунингдек, ёшлар тарбиясига бағишланган илмий-оммабоп фильмларни намойиш қилиш вазифаси топширилган.

(ЎЗА).

МУРУВВАТ УЙИГА ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

Мустақил Ўзбекистонимизда пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларни кучли ижтимоий ҳимояга олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Пенсиялар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдорининг босқичма-босқич ошириб борилиши, уларнинг ўз вақтида ҳеч қандай узилишларсиз эгаларига етказилаётганлиги фикримизни далиллади. Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Қарори отахона онахонлар учун яна бир муҳим гамхўрлик бўлди.

Ушбу Қарорнинг ижросини таъминлашга республикамизнинг барча вилоят ва туманларидаги ижтимоий таъминот муассасаларида, хусусан, Тошкент шаҳар Ижтимоий таъминот бошқармасида ҳам энг биринчи навбатдаги вазифа сифатида қаралиб, бир қатор савобли ишлар амалга оширилмоқда.

Оқдан ва жисмонан заиф эркаклар ҳамда иккита болалар Мурувват уйларида қўриқилмоқда. Эркаклар мурувват уйида олиб борилаётган тубдан таъмирлаш ишларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 23 миллион сўмликдан ортиқ маблағ ажратилди. Ақдан ва жисмонан заиф болалар мурувват уйларида эса бюджет маблағларидан ташқари хомийлар кўмағидан ҳам фойдаланилмоқда. Масалан, бундай хайрли ишларга халқаро хайрия ёрдамлари ҳам ажратилаётган. Хусусан, 2-болалар Мурувват уйига АҚШнинг «Уорлд концерн» компанияси томонидан ётиқлик болалар гуруҳи бўлими тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, жиҳозлар ҳада этилди.

Шаҳар бўйича бугунги кунгача маҳалла кўмиталари билан биргаликда аниқланган 1561 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга диспансер кўригидан бепул ўтиш, тиббий хулосаларга биноан соғломлаштириш, зарур тиббий анжумлар билан етарли даражада таъминлашга эришилмоқда. Шунингдек, улардан 114 нафар ётиқлик беморга «Қизил ярим ой» жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ 20 нафарга ақин ҳамшира бирктирилган.

Муҳаббат ҲИМОЯБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

ФАХРЛАНИБ ЯШАШГА ҲАҚЛИМИЗ

бўлмади. Илк бор хонадонимизга тонна-тонна бугдой тўкилди, қўлимиз минг-минглаб сўмларни кўрди. Эркиннинг қўлинда, устинг бут, энг муҳими, қилган меҳнатингдан кўнглинг тўлса, сазй-ҳаракатларда ҳам барака бўлавераркан. Қисқа фурсатда янги уйлар қуриб, тўйлар қилдим, ҳатто енгил машина ҳам олдим. Ҳисобимда етарлича жамғарим бор. Ўтган даврда даромадимиз ҳисобидан 2 та ер ҳайдаш трактори сотиб олдик. Одамларимизнинг йиллик даромади ўртача 120 миң сўмдан ошмаяпти. Эндиликда маҳалламиз тасарруфидоги мактаб, қишлоқ врачлик пункти, болалар боғчасини оталиққа олганмиз. Ана шу жойларнинг таъмирлаш ишларида баҳоли қудрат кўмаклашиб келаяпмиз. «Фарғона» деҳқон фермер хўжалиги тумандаги кам таъминланган оилалардан 8 тасига ҳар йили байрамларда саховат кўрсатиб келаяпти. Яқунланган йил айниқса, жамоамиз учун янада самарали бўлди, галла ва пахта етиштиришда давлат режаларини удрдалдик. Ишчилар янги йил олдидан мукофот тариқасида 500 килограмдан бугдой, 60 килограмдан пахта ёғи тарқатилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олган соф даромадимиз 5 миллион сўм атрофида. Ҳўш, бундай имкониятлар ўз-ўзидан бўлдики, деган саволни фермер хўжалигимиздаги ҳар бир ишчи ҳар кунини ўз-ўзидан сўрайди, десам муболаға қилмайман. Шу боис, ишчиларимиз шуурида эртанги кунга ишонч, эътиқод кучли.

Абдуҳод АбДУМАННОЕВ,
«Фарғона» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан эълон қилган амнистия тўғрисидаги Фармони нафақат жазони ўташ жойларидаги шахслар, балки ота-оналар қалбига ҳам малҳам бўлди. Биз Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган колонияда хизмат бурчи билан бўлганимизда шу нарсага яна бир бор инондик.

ҲАЁТ САБОҒИ

— Ўғлим 21 ёшда, - деди бу ерга фарзанди билан учрашувга келган, Тошкент шаҳрининг Қорасув даҳасида истиқомат қилувчи Гулчехра Нейматова, - у тарбияси бузуқ болалар таъсирига берилиб, жиноятга қўл урди. Ҳозир қаттиқ афсус-надомат чекаяпти...
Онанинг айтишига қараганда, ўғли 7 йил озоқликдан маҳрум этилибди. Бироқ Президентимиз томонидан эълон қилинган амнистияга кўра, жазо муддатининг деярли ярми қисқарибди.
— Яна бир йилдан сўнг озоқликка чиқади, кўзи мошдек очилди, ҳаётини бутунлай бошқатдан бошлайди, - дейди она ҳаяжон билан.

Жазони ўташ муассасасининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги Евгений Равинский биз билан мулоқот чоғида куйидагиларни айтди:
— Муассасамизда Президент ўтган йили имзо чеккан амнистия шарофати билан амалга оширилиши керак бўлган барча тадбирлар ниҳоятга етди. Бир неча юз киши бутунлай озод қилинди. Жазони ўтаётганлардан тўртдан уч қисмининг муддатлари қисқартирилди. Бир гуруҳ маҳбуслар муддатидан илгари шартли равишда озоқликка чиқарилдилар. Бунда, албатта, уларнинг юриштириши, ахлоқ-интизомни, тавбатазарруси инобатга олинди.
Қайтишимизда автобусда бизга ҳамроҳ бўлган йўловчилар билан ҳам суҳбатлашдик.
— Юртимиз отасининг бағри кенглигидан, ёшларимиз ҳақида алоҳида қайғураётганидан ниҳоятда миннатдоримиз, - деди Тошкентнинг Юнусобод туманида яшовчи Муҳаббатхон Абдуллажонов, - мен бу ерга қариндошимни кўргани келганим. Менинг бошимга ҳам шундай кулфат тушишига оз қолди. Ўғлим йўлдан адашиб, чет элга кетиб қолган эди. Президентимизнинг «Авф» этиш ҳақидаги Фармони кулгоғига чалинган замон қайтиб келди. Ҳозир бағримизда. Энди тўғри йўлдан асло адашмайди.

С.ЭШБОВ.

ЯНА БИР МАРКАЗ

Мамлакатимизда яна бир ижтимоий ҳимоялаш маркази очилди. Ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бевосита шуғулланидиган бу даргоҳнинг истиқболи катта, албатта.
— Бу ерда ногирон болалардаги истеъод кўрақларини уйғотиш, қобилиятини ўстириш билан боғлиқ маърифий тадбирлар амалга оширилди, - дейди марказ раҳбари Ҳолди Муртазина. - Бу эса жисмоний носоглом ўғил-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида муҳим ўрин тутди.
Кўриниб турибдики, болаларни ўқитиш, билимлар билан қуроллантириш, уларни жамиятга фойдали кишилар қилиб воғга етказиш учун бизда имкониятлар мавжуд.
Биз ногирон болалар «Санвит» баддий илмий-тектириш маркази билан яқин алоқа боғладик. Бундай ҳамкорликнинг илк натижаси ўлароқ расмлар кўргазмаси ташкил этилди.
Маэкур баддий экспозицияни очишда «Диги-арт», «Инс-Элвидж» фирмалари, «Ўзбекўкуватоматика» маркази хомийлик қилдилар. Янги кўргазмада турли йўналишдаги ногирон болалар қўли билан яратилган картиналар, миниатюралар, ҳайкалтарошлик асарларидан 70 таси намойиш қилинмоқда.
Марказда яна қатор маданий тадбирларни ўтказиш ҳам режалаштирилди. Булар ҳам ногирон болалар маънавий камолотини таъминлашга ёрдам беради.

А.АЛИЕВ.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига

Жаҳон тараққиёти тарихига назар ташланса, халқининг билими кучли мамлакатлар барча соҳаларда тез ривожлангани ва улкан муваффақиятларга эришгани аён бўлади. Бутун эътибор таълимга қаратилгани боис, иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония 14 йил ичида, Германия эса жуда қисқа вақтда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига чиқиб олди. Бу борада Ўзбекистоннинг танлаган йўли ҳам тўғрилиги эътироф этилмоқда.

Фарзандларимизни ҳар жиҳатдан барқамол инсонлар қилиб шакллантиришга биринчи даражали вазифа сифатида қараб келимиз. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, «Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ишлаб чиқилиши ва изчиллик билан амалга оширилаётгани ана шу сиёсатнинг медаларидир. Мазкур мақсад йўлида Самарқандда олиб борилаётган ишлар хусусида вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи, техника фанлари номзоиди Муродулло Холмухамедов билан суҳбатлашдик.

бури. Бу ерда ўқувчилар тикувчилик, чинни буюмларга бадиий ишлов бериш, менежер, иқтисодчи, бухгалтер ихтисоси бўйича сабоқ олишади. Келгусида заргарлик, гиламдўзлик, зардўзлик, пойабзал устаси йўналишлари очилади. Коллеж жамоаси Самарқанд меъморчилик-қурилиш, Самарқанд кооператив институтлари, Тошкент тўқимачилик институти, Германиянинг техник ҳамкорлик маркази билан яқин алоқада. Таълим жараёнида Германия ўқув тажрибалари қўлланилади. Махсус дарслар ишлаб чиқаришга яқинлаштирилган шароитда ўтилади. Дарснинг ноанъанавий усуллари кўпроқ қўлланилади. Коллеж ўқитувчилари бир нечта ўқув қўллани-

дунёқарашни кенгайтириш, билимларни бойлаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман. Яқинда 15 нафар ўқувчининг сабоқни Германияда давом эттириши режалаштирилган. — Ҳудуднинг давр талаби даражасидими? — Жуда кўп нарса айна мана шу масалага боғлиқ. Ҳозир ишлаётган ўқитувчиларнинг сифат таркибидан нолимаймиз. Сафимизда 4 фан доктори, 48 нафар фан номзоиди, 100 дан ортққ олиқ тоифали ўқитувчилар бор. Ўтган йили 610 ўқитувчи махсус малака оширишди. Айрим ўқитувчилар, хусусан, енгил саноат коллежидан Г.Грененко, А.Пақ, А.Қим, СамДМҚИ қошидаги лицей-интернатдан Б.Давронов, ака-



Шу сонга хабарлар ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

Фаллаоролдаги «Парандачилик» ҳиссадорлик жамияти ўтган йилни 40 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Фабрикада 14 миллион донна тухум, 75 тонна пархез гўшт тайёрланди. Махсулот тайёрлаш ҳажми олдинги йилга нисбатан 1,5 барава ортди. Ҳиссадорлик жамияти янги йилдан бошлаб ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини ошириш чораларини кўрмоқда. Даромадга қараб буромад, деганларидек ишчилар учун бепул тушлик ташкил этилди, богча пули ҳам жамият ҳисобидан тўланмоқда.

ҲУСУВИТИНАНИНГ ГАЛАБАСИ

АҚШнинг Пләне шаҳрида 10 мамлакатдан 100 дан ортққ спортчилар иштирок этган спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир яқун якунланди. Ўзбекистонлик Оксана Чусовитина Осиедан ягона вақил бўлди. Узоқ танаффусдан сўнг спортга қайтган О.Чусовитина кучлилар гуруҳида иштирок этиб, кўпқурашда иккинчи ўринни эгаллади. Оксана алоҳида снарядлардаги мусобақаларда энг яхши натижа кўрсатиб олтин медалини қўлга киритди. Эркин машқда ҳамда тўсин устидаги чиқишларда иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

СОВРИН ОЛТИАРИҚҚА КЕТДИ

Инсон дунёга келганида илк бор эшитиладиган кўшиги она алласидир. Алла билан бирга гўдак қалбига меҳр, Ватанга, ўзи туғилиб ўсган заминга, халқига муҳаббат туйғуси сингади. Зеро, она соғлом, маънавий бой бўлса, фарзанд ҳам барқамол вояга етади. Гўзал миллий кадриятларимизни унглаш ва ёшларга сингдириш мақсадида пойтахтдаги Аббор Хидоятлов номидаги театрда ўтказилган «Алла» ижрочилари бешинчи анъанавий кўрик-танлови якунланди.

нома» дарслари учун мўлжалланган «Одоб гулшани» ўқув қўлланимлари нашр этилишига кўмаклашилди. — Яқин келажақдаги режалар ҳақида ҳам гапирсангиз? — Биринчи навбатда қишлоқлардаги коллежлар фаолиятини юқори даражага кўтариш керак. Жомбой туманидаги маиший хизмат коллежи бунга намуна бўла олади. Тажрибали педагог Турсун Нурматов раҳбарлик қилаётган бу коллежда маиший хизмат мутахассислари тайёрланади. Мақсад қишлоқда сервис хизматини яхшилаш, турмуш маданияти даражасини кўтаришдир. Бунинг учун барча имкониятлар бор.


Шу билан барча олиқ ўқув юртларининг битирувчилари, нафақадаги ўқитувчилар, ишлаб чиқаришдаги мутахассислар ҳисобидан ўқитувчилар заҳирасини шакллантириш шарт. Турмуш тақозоси билан бошқа соҳага ўтиб кетган ўқитувчиларни билим даргоҳларига қайтариш чораларини кўраямиз. Ҳозир ўқитувчи кадрлар етишмаслигига чек қўйилди, десак муболаға бўлмайди.

Яқин келажақда Самарқанддаги олиқ ўқув юртларининг малака ошириш фаолиятларини бирлаштириш негизида махсус касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини ошириш институтини ташкил қилиш ниятимиз бор. Олтига янги коллеж ишга туширилиши керак. Билим юртларини тўлиқ таъминлаш учун Саноат коллежи базасида ўқув қўлланимлари ва кўргазмалар куруллар ишлаб чиқариш мўлжалланапти. Энг катта мақсадимиз электрон кутубхона ташкил этишидир. Мана шуларни амалга ошира оласан, Президентимиз талабига мос иш қилган. «Таълим тўғрисида»ги қонун ижросига амалий ҳисса қўшган бўламан. Асосий гап ва мақсад эса Мустақиллик фойдаларини амалга оширишга қодир, Ватан келажагини таъминлай оладиган барқамол авлодни тарбиялашдир.

Суҳбатдош: Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

ТАРАҚҚИЁТ ТАЪЛИМДАН БОШЛАНАДИ тажриба, таҳлил

лар билан таъминланмоқда. Бундай шароит ўқувчиларнинг билимларини пухта ўзлаштиришга имкон бермоқда. Натижада бошқарма тасарруфидида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг талабалари турли даражадаги фан олимпиадалари, кўрик-танловларда юқори натижаларга эришапти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.



Шарҳ: Каттақўрғон шаҳар транспорт касб-хунар коллежи ўқувчилари «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқариш» бўйича республика кўрик-танловида I ва II ўринларни эгаллади. Тойлоқ туманидаги олимпия заҳиралари касб-хунар коллежи ўқувчиси Фурқат Маматов Тверь шаҳрида ўтган кураш мусобақасида жаҳон чемпиони бўлди. СамДУ қошидаги академик лицей ўқувчиларининг ўн тўрт нафари фанлар бўйича ўтказилган вилоят олимпиадаси қолиби, 8 нафари эса I ўрин соҳиби бўлишди. Лицей ўқитувчиси Абдурахмон Бобоевнинг шоғирди Умарбек Норкулов махсус танлов шартларини тўлиқ бажариб, Тайванд бўладиган физика бўйича Халқаро олимпиадада қатнашчилари республика жамоаси таркибига киритилди.

нинг энг илғор тажрибаларини ўрганиш мумкин. Шу асосда марказ ходимлари тегишли ўқув дастурларини билим юртларига тайёрлаб беришмоқда. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва ижодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида фан уюшмалари ташкил этилди. «Фан уюшмалари» илмий услубий кенгаши фаолиятининг самараси ўлароқ ўқитувчилардан Х.Насиловнинг «Алгебра ва математик анализ асослари», Х.Неъматовнинг «Инг-лизча ўзбекча сўзлашуш лугати», М.Болиевнинг «Лотин тили», Я.Аллаевнинг «Маркетинг ва менежмент асослари» ўқув қўлланимлари ёзилди. Бошқарма қошидаги «Барқамол авлод» жамғармаси аҳолидан анчагина ўқув дарсликларини сотиб олди. Бироқ бу масаланинг ечими бўла олмапти. Умуман, дарслик ва кўргазма воситалар билан таъминлаш энг жиддий масалалардан биридир. Шунинг учун биз «Давлат таълим стандартлари» асосида Самарқанд саноат коллежида кўргазмаларни ўқув воситаларини тайёрлашга киришилди. Бундан ташқари, ҳар бир коллежда таълим жараёнини ижодий фаолият ва ишлаб чиқариш билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

— Утган йиллар мобайнида соҳада эришилган муваффақиятлар нимадан иборат? — Таълим мазмуни тубдан ижобий ўзгарганлигини юқорида айтдим. Академик лицей ва коллежларнинг моддий-техника базаси, ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, таълим услуби, илғор педагогик технологиялар эски турдаги мактабларникидан анча юқори туради. Ҳар бир билим даргоҳида 2-3 та компьютер синфлари, тўлиқ жиҳозланган фан кабинетлари ва лабораториялар мавжуд. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжали-

малари тайёрлашди. Бюджетдан ташқари, 750 минг сўм пул ишлаб топилди ва ижтимоий химоя мақсадларига сарфланди. — Иқтисодли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича нима қилинапти? — Бу ҳозирги даврда жуда муҳим масала. Шу мақсадда биз Самарқанддаги «Коском» қўшма корхонаси, «Эл» фирмаси, «Барқамол авлод» жамғармаси, «Улугбек ворислари» газетаси билан ҳамкорликда энг иқтисодли ўқувчиларга стипендиялар тасвис этдик. Яқинда иқтисодли ўқувчиларнинг вилоят слётини ўтказамиз. Шарҳ: СамДУ қошидаги академик лицейда бўлганимизда, директор А.Умаров куйдагиларни гапирди: «Биз лицейимиз ўқувчиларига ҳамма шароитларни яратиб бердик. Улар ётоқхонада яшашади. Ўқиш учун имконият етарли. Китеб ва ўқув қўлланимлари билан тўлиқ таъминланган. Ўн нафарга яқин ўқувчиға хомийлар ҳисобидан стипендия берилади. Бундан ташқари, ўзлаштириши яхши ўқувчиларга турли илмий моддий ёрдам қўрсатилади. Мақсадимиз турмуш шартини яхшироқ қилиш ва таълим тарбия жараёни билан уйғунлаштирилган. Ҳар бир ўқув ҳафтаси Ўзбекистон гимни ижроси ва Ватан

демик лицейдан Н.Худойназаров, тиббиёт коллежидан Д.Азамовлар Германия, Корея, Канада давлатларида малака ошириб қайтишди. Тизимдаги билим даргоҳларига ўқитувчилар кўрик-танлов орқали ишга қабул қилинади. Танловдан ўтганлар бошқарма қошидаги «Илғор педагогик технологиялар методик маркази» билан доимий алоқада бўлиб туришади.

— Ўқувчиларнинг дам олиши, ижтимоий химояси, дарсдан бўш вақтини ташкил қилиш қандай йўлга қўйилган? — Билим юртларининг маънавий-маърифий соҳадаги иш режасида бу масалалар алоҳида ўрин тутди. Бадиий кечалар, танкичи кишилар билан учрашувлар, кўрик-танловлар, спорт тадбирларини ўтказиш шулар жумласидандир. Ҳамма жойда кутубхоналар, маънавият-маърифат марказлари, спорт иншоотлари эшикларни ўқувчилар учун ҳаммиша очик. Бундан ташқари, соғломлаштириш мақсадида 50-60 нафар ўқувчи ҳар йили ёзда ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тасарруфидида «Ёшлик» оромгоҳида дам олдирилади.

— Бюджетдан ташқари, маблағлар ҳисобидан ўқитувчи ва ўқувчиларга қандай ижтимоий ёрдам кўрсатишмоқда? — Бу мақсадга ўтган йили қарий 4 миллион сўм маблағ ажратилди. Шу ҳисобдан қўшимча иш хақи, мукофот, моддий ёрдам берилди. «Барқамол авлод» жамғармаси томонидан эса «Илмнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилиб, фойблар (1-3 ўрин) иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда мукофотланди. Шунингдек, ўқитувчи Ҳ.Неъматовнинг инглиз тилидан ўқув қўлланимлари, Н.Бобоқандовнинг «Маънавият асослари», «Одоб-

байроғи кўтарилиши билан бошланади. Бадиий тадбирларда ота-оналар албатта иштирок этишади. Ҳар бир гуруҳ ойда бир марта музейларга, маданият ва санъат даргоҳларига бориши анъанана айланган. Бу шунчаки ташриф эмас. Чунки уларнинг бу жараёнда олган билимлари ҳам назорат қилинади.

Мулоҳаза: Барча ўқув юртларида бундай тадбирларни кун тартибининг зарурий шартига айлантириш керак. Негаки, миллий маънавият, миллий мафқуранини шакллантириш, ёшлар онгига миллий истиклол оғисини сингдириш ана шундан бошланади, деб ўйлаймиз.

— Бюджетдан ташқари, маблағлар ҳисобидан ўқитувчи ва ўқувчиларга қандай ижтимоий ёрдам кўрсатишмоқда? — Бу мақсадга ўтган йили қарий 4 миллион сўм маблағ ажратилди. Шу ҳисобдан қўшимча иш хақи, мукофот, моддий ёрдам берилди. «Барқамол авлод» жамғармаси томонидан эса «Илмнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилиб, фойблар (1-3 ўрин) иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда мукофотланди. Шунингдек, ўқитувчи Ҳ.Неъматовнинг инглиз тилидан ўқув қўлланимлари, Н.Бобоқандовнинг «Маънавият асослари», «Одоб-

ОЛАМДА

НЬЮ-ЙОРК. Хитойнинг БМТдаги вакили Шэн Гофан дунё мамлакатларини Хавфсизлик кенгашининг Сьерра-Леонедан олмос сотиб олишни тақиқлаш ҳақидаги резолюциясини бажаришга чакирди. Унинг айтишича, Либерия ҳамда яна бир неча давлатлар халқаро ҳужжатда қайд этилган қоидаларини бузиб, олмос эвазига Бирлашган инқилобий фронт жангариларига курул-яроғ етказиб беришда давом этмоқда. Натижада Сьерра-Леоне ҳукумати билан муҳолиф кучлар ўртасидаги зиддият янада кучаймоқда.

ВИНДХУК. Кот-д'Ивуарда Фарбий Африка давлатлари ички ишлар, мудофаа ва хавфсизлик вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Буркина-Фасо, Мали, Нигер, Того, Бенин ҳамда мезбон мамлакатдан вакиллар иштирок этди. Учрашувда чегара худудларида тобора авж олаётган жиноятчиликка қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шимолий альянс Косово мोजаросида Югославия ҳарбий техникалари ҳамда ўқ-дори омборларини йўқ қилиш учун бойлашган уранли снарядлардан фойдаланганини тан олди. Бироқ унинг Болкондаги тинчликпарвар кучлар ҳарбийлари соғлиғига зарар етказгани ҳануз бош қотиб.

МОНТЕВИДЕО. Уругвай қишлоқ ҳўжалиғи вазири Гонзалес мамлакатда қорамолларда учрайдиган оксил касаллиғи тўла бартараф қилинган маълум қилди. Халқаро эпидемиология ташкилоти ҳам бунга тан олди, деди вазири. Унинг айтишича, Уругвай яқин кунларда яна хорижий давлатларга гўшт экспорт қилишни бошлапти.

ТЕХРОН. Эрон президенти Муҳаммад Хотамий расмий Техрон билан Уммон ўртасидаги алоқаларини янада ривожлантириш лозимлигини маълум қилди. У Уммон Бош вазири ўринбосари Фаҳд ибн Маҳмуд Саид билан бўлган учрашувда шундай деди. Президентнинг айтишича, икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқа-


ларнинг кенгайтириши минтақада тинчлик ва барқарорликнинг мустақамланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

ДЕХЛИ. Ҳиндистоннинг Гуҷарат штатида кучли zilзилла юз берди. Рихтер ўлчови бўйича ер силкиниши кучи 6,9 баллини ташкил қилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, табиий офатдан ўндан ортққ одам курубон бўлган. Шунингдек, қўллаб бинолар вайронга айланган.



Диққат, топилма!

Навоий Ғазалига муқимий мухаммаси



Мавлоно Муқимий ҳам улуг устозга доимо эҳтиромда бўлган ва тахмислар битган.

Яқинда, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Ҳ.Сулаймонов номи кулёмалар бўлимида сақланувчи 2492 рақамли кулём (2216 арақ)да шу кунгача номаълум бўлган Алишер Навоийнинг яна бир ғазалига Муқимий мухаммаси борлиги аниқланди. Ушбу асар шоирнинг ҳазрат Навоий ғазаларига саккизинчи тахмисидир.

Мавлоно Муқимий тахмис қилган:

Эй, жамолинг лозазору кўзларинг оху бара...

дея бошланувчи Алишер Навоийнинг беш байтли ғазали атоқли навоийшунос, профессор Ҳамид Сулаймон нашрга тайёрлаган «Ҳазойин ул-маоний»га мансуб туртала девонда ҳам учрамайдми. Кейинчалик профессор Фозилахон Сулаймонова чоп эттирган «Айёми висол ўлди яна» тўпламидаги 62 ғазал орасида ҳам йўқдир. Демакки, ушбу ғазали шу кунгача аниқланган Навоийнинг 2668-ғазали дейишимиз мумкин.

Муқимий Навоий ғазалини чуқур англаган ҳолда бадийию касб тахмис боғлайди. Фикрий теранлик ва ғўзал бадиият касб этгувчи, чиройли ташбеҳларга бой Навоий байтларига ҳамоҳанг ва муштарак Муқимийнинг санъаткорона мисралари унинг устоз аъналарининг давомчиси эканлигини исбот этади.

Нозик таъб шоир ва хаттот си-

фатида Муқимий улуг Навоий асарларининг муҳиби, кулёмаларининг эса қадрловчиси бўлганлиги аниқ.

Зикр этилган манбанинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унда Кўкон адабий муҳитига мансуб Амирий, Фозий, Фазлий, Азимий, Заъкий, Ҳазиний ва яна кўплаб шоирларнинг ҳам асарлари ўрин олган. Бу ижодкорларнинг ҳаммалари Навоий асарла-

ридан кўп ва ҳўб баҳраманд бўлганлар. Кулём баёздаги Мавлоно Муқимий тахмис этган ғазалининг ҳазрат Навоийга таллуқли эканлигини тасдиқловчи яна бир муҳим асос эса ғазал мақтаёсида Хусайн Бойқара номининг зикр этилишидир.

Куйида Муқимий Ҳўқандийнинг Алишер Навоий ғазалига мухаммаси юқорида таъкидланган манба асосида ўқувчилар эътиборига илк бора тақдим этилмоқда.

Отабек ЖўРАБОВ, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи илмий ходими.

Эй, хироминг ошиқи шайдолари кабки дара, Хўблар оламда кўбтур, ҳаммасидин сен сара, Сийналар мажруҳ, сенсиз суҳбат кўнгуллара, Эй, жамолинг лозазору-у кўзларинг оху бара, Нофадек қон боғладим, ҳажрингда бағрим қаб-қара.

Халқай зулфингга бир жон йўқки бўлмай мубтало, Сочларинг оввораси ҳам нофай Чину Хито, Анбарин гисуларинг кўргоч дедим, айлаб дуо: Ё РАБ, ул кокулмудур, оҳим тутунидин қаро, Ё, ўтоғлар ичинда сайлаб олган қарқара.

Ўлмакка ишқингда еттим дафъи савдо қилғали, Кўнғлуми зангор гамлардин мусаффо қилғали, Сабза-у райхонларидин дийда бийно қилғали, Оразинг гулзорига бордум, тамошо қилғали, Чин эмиш, лола очилганда тугар оху бара.

На келур эрди, ки илкимдин, ман қаллошдин, Айласам оли қадумингга бинолар тошдин, Лой этиб, мардуру губор чашм бирла ёшдин, Ёр учун айвон солибон кўз уйига қошдин, Киригимдин туттурубман даврасига панжара.

Ох, ўз даврида ўтмишлар не хуш шоҳу вазир, Айлағай пурнур ҲАК, қабрини чун бадри мунир, Ошиён бу ер, Муқимий, хоҳ жавондур, хоҳи пир, Эй Навоий, куллигиди йўқ ўзингдек бир фақир, Хусрави шукри шикан Султон Хусайн Бойқара.

Ҳаёт сабоқлари

Инсон ҳаммаша эзгуликка интилиб яшайди. Йиллар, асрлар ўтса-да, меҳрдан, эзгуликдан барпо этилган мухташам иморатлар, яхшиликдан нур олиб битилган китоблар инсоннинг номи бўлиб яшайди. Шундан бўлса керакки, Навоийни ёд этганимизда унинг нодир ғазаллари, дostonлари нур бўлиб кўнглимизни ёритади. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румийнинг маънавият гулшанлари руҳимизга қувват, йўлимизга чирок тутади. Самарқанд, Бухородаги минораю мадрасаларга боқиб бобоконларимиз тафаккурига, салоҳиятига қойил қоламиз. Улар қаршисида ўз-ўзидан қаддимиз тикланади, юракда ворислик туйғуси жўш уради, шу азиз юртга муҳаббат, гуруру ва масъулият эзгуликларга бошлайди. Меҳр эса юртнинг соғинчи бўлиб, шох Бобурнинг афронларини юрагимизга чизади, Акбаршоҳ, Шох Жаҳон тимсолида улкан қошонлар қад ростлайди. Демак, одамзотдан бу дунёда яхши ному эзгу иш қолади.

Аммо шундай одамлар борки, улар улашаётган меҳрда таъмагирлик, саховатда миннат, мурувватда мақтанчоқлик бор. Саховат нурдек покиза ниятан тугилади, у беғараз ва самимий бўлмоғи зарур.

Аллома ёзувчимиз Ойбек домланинг олижаноб инсоний фазилатлари ҳақида ҳозир ҳам ҳамкасблари фахрлиниб ҳуюқа қилишади. Бир қуни домла бозор айланиб юриб, кекса бир онахон ўтган-кетганларга эски

ИЗЗАТИНГДАН АЙРИЛМА

ҳисоб. Ҳатто энг тўполончи, кулоқсиз болалар ҳам остана ҳатлаб ҳовилларидан чиқишмади. Катта қишлоқ удуми буташди. Бир оғиз сўзнинг захридан қариялар ёқа ушлашди, эркаларнинг мушти тугилди, аёллар кўзига мунг қўнди, болакайлар эса ёшларига нисбатан улғайгандек бўлишди.

Недирки, тўй куни чошгоҳда Мурод отасини чақриб шундай деди: — Тўйга «казо-казо» келади. Мана бу чувриндиларни (хизматга келган қўшнилари кўрсатди) йўқотинг. Уяламан буларни меҳмонларим кўришидан. Ота ҳайратли «субҳонлоҳ» деб ўз ёқасини ушлади.

Тўйхонадан биринчи бўлиб кайвони аёл тарк этди. Сўнгра...

Тўйхонадан файз кетди. Кўп кишига мўлжалланган даврага арзимас одам тўпланди. Дошқозонларда дамланган ошнинг усти очилмай қолиб кетди. Ориф сувчи йиғлаб қўшниларикига борди, ўғли ҳар хонадонга кириб кечирим сўради. Йўқ, айтилган сўз — отилган ўқдек ҳамқишлоқлар юрагини жароҳатлаб бўлган эди. Тўйга ҳеч ким келмади...

Барча нъматлар сувга оқизилди. Ориф сувчи шу кундан бошлаб остана ҳатлаб кўчага чиқмади. Тафтишчи ўғли қишлоққа қайтиб келолмади. Ҳамсоялар ҳаргал эслашганда: «Кун кўрмаган кундуз куни чирок ёқар» деб қўйишарди.

Ҳа, донишмандларимиз айтгандек, бойликни беҳуда совуришда саховат йўқ, исрофда эса ҳиммат кўринмайди.

Амина ҚОДИРОВА.

«ЁШ Тўқимачи»га ЕТАДИГАНИ Йўқ

Бухоро вилоятидаги «Ёш тўқимачи» болалар оромгоҳи шарҳдан унча олашда бўлмаган энг сўлим, баҳаво масканлардан бирига жойлашган. Яқинда Ўзбекистон Енгили, мебел сановати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг республика танловиди фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Ўзаро келишувга мувофиқ юксак муваффақиятга эришгани учун оромгоҳ раҳбари Ақром Муҳаммедов ҳамда бош тарбиячи Александр Пақларга пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, масканни зарур маблағлар билан таъминлаб келаётган «Бухоротекс» ҳиссасдорлик жамияти раиси Шукрулло Давиров, қорхона касабаси уюшмаси раиси Ибодулло Каримовлар ҳам алоҳида тақдирландилар.

Мазкур оромгоҳ кўйида ўтган йилги мавсумда тўқимачиларнинг олти юздан зиёд фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқардилар. Оналар ва болалар йилида 1000 нафардан ортиқ ўғил-қиз дам олдирилиши мўлжалланган.

Н. УСМОНОВ.

Бошланиши Видмар учун муваффақиятсиз бўлди - ҳаяжон таъсир этди. Тўғри, мусобақанинг иккинчи ярмини у яхшироқ ўтказди, лекин барибир 9-11 ўринлардан юқориорқа кўтарила олмади. Ушбу турнир ҳақидаги хотирани Видмар умрбод ёдда сақлаб қолди. Унинг сўзларига қараганда худди шу ерда ўзининг турнир амалиётидаги энг чиройли галабасига эришган эди: яна бирор кимса устидан эмас, балки Таррашдек зот устидан эришилган галаба эди бу.


Югославиялик олим ва муҳандис, шахматчи, публицист, ташкилотчи ва тарғиботчи, ўта маданиятли бу кишининг ҳаёти ажиб кўп киррали ва мазмунга бой бўлган эди. Видмар шахмат санъатига ҳам фанга қараганда кам ҳисса қўшмади. У кўп турнирларда қатнашиб деярли ҳамма вақт совринли ўринларни эгаллади. Яна профессионал бўлса ҳам майли эди. Булар ҳаммаси С.Тартаковверни

(Боши 24 январ сонида)

безиж ҳайратга солмаган-ди: «Агар шахмат унинг ягона касби бўлганда борми, ким билсин, бу тиник ақл соҳиби қандай чўққиларни забт этарди?!» Ҳа, у қамдан-кам биринчи ўринларни оларди. Лекин қоқилиш нималигини ҳам билмасди. М.Видмар ўзининг «Шахматга бағишланган ярим аср» номи китобиди шундай қизиқ рақамларни келтиради:

ВИДМАР


гроссмейстерлар иштирокидаги 25 турнирда у 153 партияни ютган, 165 тасини дуранг қилиб, 73 тасини ютказган. У ҳаммаша кўтаринки руҳда, бутун кучини ишга солиб жанг қилар экан, диққат-эътиборини бир жой-



Тож талабгорлари

га тўплашга ҳаракат қиларди. Ҳатто кичкина хатони ҳам кўздан қочирмасди. - «Видмарнинг математик аниқликдаги таҳлили уни ўша заҳоти қайди қилади ва беҳато ҳамда кескин амалга оширилган бешафқат ҳужум юз беради.», - деган эди Р.Рети. Видмарнинг ўзи эса фавқуллода кам янгли-

шарди. Классик позициявий услубда ўйнарди. Унинг шахмат концепцияси оддий ва мустақкам бўлиб, оқлар билан қурбонлар эвазига бўлса-да, дебютадаёқ ташаббусга эришиш, вақтдан ҳамда майдон жиҳатидан ютишга интилиш, қоралар би-



Мамажон МУХИТДИНОВ.

лан рақиб тенг кучли бўлганда мустақкам мудофаа позициясига эга бўлиш билан қаноатланишдан иборат эди. Видмарнинг фаолияти биргина амалий ўйин билан чекланмаган эди. У кўп йил Югославия Шахмат уюшмасига бошчилик қилди. Равон тилда ёзилган бир қанча техника ва шахматга оид китоблар, кўплаб мақола-лар ҳамда шарҳлар унинг қаламига мансубдир. Муҳлислар бунга қуйида биз бир оз қисқартириб келтираётган партияди Видмарнинг изоҳларини кўриб чиқиб ўзлари ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Бу йирки олим ва улкан шахматчи 1962 йилнинг 9 октябрида ўз она шаҳри Люблянада вафот этди.

МАРОҚАЙ МАШҚЛАР:

Тасвирларнинг иккаласида ҳам юриш оқлардан. Сиз қандай тўларингиз?

«ЯНГИ ҲАЁТ»ДА

Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номли жамоа ҳўжалигидаги «Янги ҳаёт» қишлоғида яшовчи Лола опа бир йўла уч фарзандли бўлди. Бу хушxabарни бизга етказган тумандаги 1-марказий шифохона бош шифоқори Фотима Бадалбоева ўз ҳаяжонини яширолмасди:

— Чақалоқлар соғлом ва тетик ўсмоқдалар, онасининг ҳам саломатлиги яхши.

Шаҳодат Каримова раҳбарлик қилаётган «Оналар ва болалар» шифохонасининг «Неанотология» (Чақалоқларни соғломлаштириш) бўлимида туғруқдан сўнг даволанаётган она ва болаларни қўллаш учун келган туман ҳокими ўринбосари Хосият Муҳаммадиева, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси муовини Шаҳодат Асланова, «Соғлом авлод» Халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Юлдуз Жалоловларни совғалар топшираётган чоғида учратдик.

— Оиламиз қувончининг чеки йўқ, - дейди бахтли она. - Айниқса, турмуш ўртоғим Баҳром Шеров онасининг ёлғиз ўғли бўлганлиги учунми бу бахтдан Аллоҳга шўкроналар айтмоқда.

2001 йил — Оналар ва болалар йили



УЧ ЯНГИ МЕҲМОН

Асли касби ўқитувчи бўлган Лола опа Юлдузхон, Ақтамжон, Нигорани исмли фарзандларидан сўнг дунёга келган Ҳасан, Хусан ва Тоҳирлар бошида туну кун парвона бўлаётган шифоқору ҳамшираларга, оналар ва болаларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатиб, зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бераётган давлатимизга ўз миннатдорчилигини билдирди. Айниқса, Нуриддин Қодиров, Моҳигул Раҳмонова, Мақсуда Рашидова каби тиббиёт ходимларининг малака ва тажрибалари, ширин сўзлари оналарга ҳар лаҳзада мадад бўлаётганини таъкидлади.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири. Муаллиф олган сурат.

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси жамоаси, «Ўзбекфильм» очиқ турдаги акциядорлик жамияти касабаси уюшмаси раиси, Ўткр АБДУЛЛАЕВИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 23.00.

Максималми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. «Шаҳар» нашриёти - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.